

# Ishonch

2018 йил 19 май • шанба • № 59 (4032)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон — АҚШ:

### СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15-17 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

16 май куни Оқ уй қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг бутунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврнинг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди. Турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Жумладан, энергетика, икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтириш, олий таълим ва академик талқинотлар, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича аҳдлашув протоколлари қабул қилинди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда 2018 йилда Тошкентда Марказий Осиё савдо форумини ўтказишда ҳам-

корлик тўғрисидаги англашув меморандумлари имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Бу келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тарихий аҳамиятга молик янги даврини бошлаб бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон делегациясининг АҚШга ташрифи муносабати билан «Виллард ин-терконтинентал» меҳмонхонасида ташкил этилган қабул маросимида Шавкат Мирзиёев Дональд Трамп билан мулоқот ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ўтганини алоҳида таъкидлади. «Биз бу тарихий ташрифни кейинги икки йилда мисли кўрилмаган сураятлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг мантикий давоми, деб биламиз. Гарчи мамлакатларимиз географик нуқтани назардан бир-бирдан олис бўлса-да, меҳнатсевар-

лик, бағрикенглик ва ватанпарварлик каби қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради», деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихи ва маданиятини чуқур ўрганиб, бутун дунёда кенг тарғиб этаётган Фредерик Старр ва бошқа америкалик олимларга ташаккур изҳор этди.

Тадбирда ўзбек мақом санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини дунёда тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун мақом ансамблининг солиқ хонадаси Изро Малаковга Ўзбекистон Республикаси халқ артисти унвони берилгани эълон қилинди. Изро Малаков бундай юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам учрашув, музокара ва тадбирларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат манфаатла-

рига хизмат қилиши қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ташқи сибсат маҳкамалари алоқаларини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Джеймс Мэттис билан музокара олиб борди.

Президентимиз ташқи сибсатимиздаги очкилик ва яхши қўшничилик принциплари асосланиб, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазибалари тубдан қайта қўриб чиқилиб, ҳарбий билим юртлари ислоҳ қилинганини таъкидлади.

Ўзбекистон бу соҳада Америка Қўшма Штатлари билан тажриба алмашиш, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, мудофаа ва хавфсизлик йўналишларида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, деди Шавкат Мирзиёев.

2

## КУН НАФАСИ

Куни кеча Президент томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда мазкур йўналишдаги ишлар чуқур танқидий таҳлил қилинган ҳолда 2018 йилда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш Дастури тасдиқланган ҳамда тизимни янада мукамаллаштириш борасида мутасадди вазирилик ва идоралар олдидаги муҳим вазибалар белгилаб берилди.

«Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги Президент қарори билан Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг умумий илмий-технологик мақоми яратилиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Протоколга (Ялта, 2009 йил 20 ноябрь) қўшилди.

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Фаргона вилояти Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида» қабул қилинган ҳукумат қарорига мувофиқ Марғилон шаҳрида 210 ўринли мактаб-интернат ташкил этилди.

«Уғом-Чотқол давлат биосфера резерватини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳукумат қарорига асосан Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Охангарон ва Паркент туманлари ҳудудларида умумий майдони 42952,81 гектарлик Уғом-Чотқол давлат биосфера резервати ташкил этилди.

Қабул қилинган «Чорвоқ» эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорига қўра, «Чорвоқ» эркин туристик зонаси чегаралари (94 805,32 гектар), эркин туристик зонани янада ривожлантириш концепцияси, Устави, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланиб, «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекцияси ташкил этилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво хайъати 2018 йил (ҳижрий 1439 йил) учун закот нисоби 1 грамм тиллонинг бугунги кунда бозорларимиздаги ўртача нархи 188 235 сўм атрофида эканини эътиборга олиб, 85 грамм тилло ҳисобидан закот нисоби 16 000 000 сўм экани ва мазкур сумманинг қирқдан бир (1/40) ҳиссаси, яъни 400 000 сўм миқдорда закот чиқаришни маълумлади.

Бу йилги филтр садақасининг миқдори вилоят, шаҳар ва туманлар бозорларидаги 2 килограмм бугдой нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Масалан, 2018 йилда Тошкент шаҳри бозорларида 1 килограмм бугдойнинг нархи ўртача 2500 сўм бўлса, демак, 2 килограмм бугдой нархи 5000 сўм бўлади.

Бу йилги филтр миқдори доний узор билан рўза тўломайди-ган кишилар учун бир одамнинг бир қуллик озиқ-овқати баробарида бўлиб, ўртача 12 000 сўм деб белгиланди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Халқаро музейлар кунига бағишлаб «Маданият орқали дунёга. Ўзбекистон маданий мероси», деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Унда мезморий объектларнинг фотосуратлари, турли археологик топилмалар, машҳур археолог олимларнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиш мумкин.

Мамлакатимизда давом этаётган Челябинск вилояти кунлари доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари бизнес-форуми ўтказилди.

Аброр Мухамедонов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банки» бошқаруви раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

Бош прокуратура ҳузурлидаги Агросоаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи лавозимига Умарбек Халилов, инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосарлигига эса Сандақбар Рўзиев тайинланди.

Фавқуллода вазиятлар вазири 18 майдан 22 майга қадар юртимизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида сел келиш хавфи борлигини хабар қилди.

«Вақф» хайрия жамоат фондига Тошкент ислом институти «Тахфизул Куръон» кафедраси муdiri лавозимига ишлаб келаятган Жалолдин Ҳамроқулов раҳбар этиб тайинланди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Германиянинг «KfW IPEX-Bank» билан 100 миллион евролик банклараро кредит битимини имзолади.

Битим тадбиркорлик субъектларини, уларнинг янги иш ўринларини яратиш бўйича сый-ҳақрақларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Европа мамлакатларидан юқори технологик ускуналар, товарлар ва хизматлар импортини молиялаштиришга хизмат қилади.

Жанубий Кореянинг «Korea National Oil Corporation» (KNOC) компанияси Қашқадарё вилоятининг иккита инвестицион блокда геологик қидирув ишларини бошламоқда.

2

## ПРЕЗИДЕНТ ДОНАЛД ТРАМПНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

ВАШИНГТОН  
ОҚ УЙ  
2018 йил 16 май

Бутунги окшомда Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг рафиқаси Зироатхон Мирзиёева мезбонлик қилаётган қабул маросими иштирокчиларига ўз савомларини йўллайман.

Америка халқи номидан Президент Мирзиёевга Оқ уйга тарихий ташрифи учун миннатдорлик билдираман. Марказий Осиёда анчайин мураккаб вазият юзага келаятган, ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлаётган бир пайтда бутунги мулоқотимиз стратегик шериклигимизни янгилашга ёрдам берди. Минтақадаги таъминот йўлларини қўллаб-қувватлаш ва Афғонистон билан алоқаларни яхшилашга хизмат қилаётган иқтисодий лойиҳаларни сармоялаш борасидаги сый-ҳақрақларни учун Президент Мирзиёевга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қиламан.

Президент Мирзиёев мени ишонтириб таъкидладики, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ислохотлар дастури бардавом ва муқаррардир. Аминманки, Президентининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратаётган эътибори халқ ҳаётининг янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади. Биз биргаликда сый-ҳақрақларимиз билан Ўзбекистонда ҳисобдорлик ва шаффофлик масалалари янада яхшиланишига эриша оламиз. Бу эса Америка компанияларининг фаолияти учун мустаҳкам замин хо-зирлаб, мамлакатларимизда бандлик даражасини оширишга ёрдам беради.

Мелания ва мен Президент Мирзиёев ва Биринчи хоним Зироатхон Мирзиёевага Америка Қўшма Штатларида унутилмас ташрифи учун чин дилдан миннатдорлик билдираман. Ишонманки, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилган ҳамкорлигимиз икки мамлакат порлоқ келажатининг муқаддаси, холос.



## ТОШКЕНТГА УЧИНЧИ «ОРЗУ ЛАЙНЕРИ» КЕЛДИ

«ТОШКЕНТ» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИГА «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ХАРИД ҚИЛИНГАН УЧИНЧИ «BOEING-787 DREAMLINER» САМОЛЁТИ КЕЛИБ ҚЎНДИ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида ташрифи чоғида ҳамроҳлик қилган мамлакатимиз делегацияси аъзолари «Орзу лайнери»нинг илк йўловчилари бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Вашингтондан қайтиб, Тошкент халқаро аэропортида янги Боинг-787 самолётини қўздан кечирди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбариятига хорижий мамлакатларга қатновлар сони ва сифатини ошириш, бунинг учун энг замонавий самолётлар ва технологиялардан фойдаланиш зарурлиги юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Самолётни Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи — бош учувчи-йўриқчи Иосиф Зак, учувчилар отряди командири ўринбосари Шахзод Икромов ва иккинчи учувчи Олимжон Узоков бошқариб келди.

Миллий авиакомпаниямизнинг ушбу рўсумдаги учинчи авиалайнери аввалги иккита «Boeing 787-8 Dreamliner»дан йўловчи ўриндиқларининг сони кўпчилиги ва экипаж дам олиши учун алоҳида бўлима ташкил этилгани билан фарқланади. Самолётда 24 бизнес ва 246 иқтисодий классли жами 270 ўриндиқ бор. Мута-

хассислар таъкидлашчи, ушбу замонавий ҳаво лайнери узлуксиз 16 соат парвоз қила олади.

Лайнерга бошқа «Boeing-787 Dreamliner» ҳаво кемаларидаги каби ёнғил тежаш самарадорлигини ошириш, шовқин даражасини пасайтириш ва атмосферага захарли газ ажралиб чиқилиши камайтириш имконини берувчи двигателлар ўрнатилган. Унинг замонавий кенг ўриндиқлар, янгича ёритиш ва шовқин ўтказмайдиган тизимлар, пол қопламалари ҳамда ҳар бир йўловчи учун мўлжалланган индивидуал кўнгилочар дастурли мониторлар билан жиҳозлангани йўловчиларга парвозни юқори даражадаги қулайликда, мароқли ўтказиш имконини беради.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»дан маълум қилишларича, куни кеча Вашингтон шаҳрида миллий авиакомпания билан АҚШнинг «Боинг» компанияси ўртасида битим имзоланган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси паркни 2020 йилга қадар ушбу рўсумдаги 6 та самолётга эга бўлади.

Миллий авиакомпания мутахассисларининг юқори тайёрлик даражаси туфайли эксплуатация жараёнида «Boeing 787 Dreamliner» само-

лётлари 100 фойзлик ишончилиги таъминланган.

— Янги «Dreamliner» авиакомпаниясининг парвозлар жадвалига киритилган бўлиб, узоқ масофаларга қатновларни амалга оширади. Унда парвоз қилиш жуда қулай ва хавфсиз, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учувчилар отряди командири ўринбосари Шахзод Икромов. — Янги самолётни муваффақиятли бошқариб келдик. Нью-Йоркка янги қатновларни амалга оширишни режалаштирганимиз. Бу самолётлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Dreamliner»ларнинг тижорат эксплуатациясини 2016 йилда бошлаган. 2017 йилнинг 27 июлида эса миллий авиакомпаниямиз тарихида биринчи марта ушбу рўсумдаги самолётда Тошкентдан Нью-Йоркка илк узлуксиз парвоз амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг замонавий ва қулай авиалайнерлари Европа ва Осиёнинг 40 дан ортқ шаҳарларига парвоз қилмоқда ҳамда Аляскадан Янги Зеландиягача чартер қатновларни бажармоқда.

Улукбек АСРОПОВ,  
ЎЗА МУБРИ

# Ўзбекистон — АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

41 АҚШ мудофаа вазири Ўзбекистон минтақада муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг очик ва конструктив ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳити яратилди. Афғонистон Президенти Ашраф Ғани билан мулоқотларингиз, Афғонистон ишлари бўйича махсус вакил тайинланганингиз муҳим аҳамиятга эга. Расмий ташрифингиз доирасида қабул қилинган беш йилга мўлжалланган харбий ҳамкорлик режаси минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди Жеймс Мэттис.

Учрашувда мудофаа ва хавфсизлик, харбий ва харбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Капитолийда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги конгрессменлар билан учрашди. Мулоқотда икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муносабатлар қарор топгани кайд этилди. Парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз парламент ва ҳукумат даражасидаги икки томонлама ташрифлар фаоллашгани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Сенати Раиси ўринбосари, молия бўйича қўмитаси раиси Оррин Хэтч бошчилигидаги сенаторлар

билан мулоқот қилди. Сўхбатда парламентларо алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболлари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи дастуридан ўрин олган мазкур учрашув стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши кайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунги Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан буён Жаҳон банкида ишлаётган юртдошларимиз билан қўришди. Бугунги кунда Ўзбекистон билан

мазкур банк ўртасидаги ҳамкорлик энергетика, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини қамраб олган. 2020 йилгача ҳамкорлик бўйича қўшма дастурга 27 та муҳим лойиҳа киритилган. Уларнинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан иборат бўлиб, унинг 3 миллиард доллари Жаҳон банки кредитларидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган йirik иқтисодий лойиҳаларда Жаҳон банки билан ҳамкорлик юксак самара бераётганини кайд этди. Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафлари эканини таъкидлади.

Учрашувда истикболли лойиҳа-

лар қўриб чиқилиб, амалий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича аниқ тақдирлар билдирилди. Боғдорчиликни ривожлантириш, шойлиниқ тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг энергия тежамкорлигини ошириш, иситиш тармоқларини модернизация қилиш, молиявий консультатив хизмат кўрсатиш каби соҳаларга оид битимлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи якунига етди. Ўзаро муносабатлардаги тарихий воқеа бўлган ушбу ташриф ҳамкорликни янги поғонага кўтариши шубҳасиз.

**Абу Бакр ҲУРОЗОВ,**  
ЎзА махсус муҳбири.

Тошкент — Вашингтон — Тошкент.

## Касаба уюшма ҳаёти

Бельгия давлатидан Самарқандга ташриф буюрган галдаги сайёҳлар гуруҳининг аксарини касаба уюшма фахрийлари ва жамоат ташкилотларида ишловчи ходимлар ташкил этишини эшитдик. Мехмонларда афсонавий шахар мўъжизалари билан танишиш баробарида касаба уюшмалари тажрибаларини ўртоқлашиш истаги бор экан.

## Ўрганишга арзигулик тажриба

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим, — дейди Дебрулле Андре хоним. — Бу мафтунок диёр ҳақида кўп нарса билмас эканмиз. Айниқса, Самарқанд биз эшитган таърифлардан юз чандон зиёд. Унинг жозибасини кўз билан кўрганларгина хис этади. Очик чехрли, мехмондўст одамлар юрагимиздан жой олди. Кўп йиллар касаба уюшмаларида меҳнат қилганлигим боис шерикларимиз билан келишиб ҳамкасбларимиз билан учрашни истаги пайдо бўлди.

Дебрулле хоним Бельгиядаги учта мустақил касаба уюшмаларидан бири бўлган Христианлар касаба уюшмасида кўп йиллар меҳнат ҳуқуқи йўналишида фаолият юритган экан. «Амир-хон» мехмонхонасининг мўъжиз залида дўстона мулоқот бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари, Республика кенгашларининг вилоятдаги масъул ташкилотчилари иштирок этди. Бирлашма кенгаши раиси

то транспорт воситалари ажратиш каби имтиёзлар бор. Бельгияда эса бундай енгилликлар йўқ ҳисоби. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳам уларда кам учрайдиган ҳолат.

Бельгияда касаба уюшмаларида тўланадиган аъзолик бадалли биздагидан деярли фарқ қилмайди. Аммо уни сарф-харажат қилишда фарқ бор. Масалан, бизда аъзолик йиғимларининг 60 фоизи бошланғичлар ихтиёрида қолдирилиб, ўн фоизи сиҳаттоҳларда имтиёзли дам олдиришга сарфланмоқда. Бельгия касаба уюшмалари аъзолик бадалини тўлиқ ўз ҳисобига тушириб олар экан. Жамланган маблағлар асосан касаба уюшмалари фаолларига ойлик маош сифатида сарфланиб, ортан қисми тўланадиган этиладиган иш ташлашлар вақтида ходимларга ишда бўлмаган кунлари учун тўлаб берилар экан.

Мехмонлар биздаги хар йили



Ўринбосари Акбар Қодиров мехмонларга касаба уюшмалари тизимидаги ташкилотлар фаолият йўналиши, жамоат ташкилотининг ходимлар меҳнати ва дам олишини ташкил этишдаги сай-харақатлари хусусида маълумот берди. Дебрулле Андре хоним эса Бельгия касаба уюшмалари тарихи ва фаолияти хусусида сўзлади. Мазкур мамлакатда учта мустақил касаба уюшмалари фаолият юритади. Барча масалалар жамоа шартномалари орқали ҳал этилади.

Мулоқот асосида ижтимоий шерикликнинг афзал жиҳатлари кайд этилди. Бизда иш берувчи хар бир ишловчи ходимни иш қоржомалари билан таъминлашни ўз гарданига олиб қолмасдан, балки иссиқ оқват билан таъминлаш, зарарли иш шартинида ишлаётганлар учун сўт-қатик бериш, аксарият корхоналарда ишга келиб-кетишга ав-

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» муҳбири

## Ислоҳот инсон учун

# Ҳеч ким эътибордан четда эмас!

Кексалар, етим-есир, ёлғиз ва муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятларимиздандир. Кейинги пайда бундай анъаналарнинг ислоҳот даражасига кўтарилиши ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантириб юборди.

«Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори бу борада дастуруламал бўлмоқда. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Олмазор тумани ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиб чиқди. Ўзгалар парварини муҳтож, ёлғиз, эхтиёжман, ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга рўзгор учун зарур бўлган замонавий газ плиталари тақдим этилди. Шунингдек, «Энг намунали оила» танлови ғолибларига ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик одамлар турмушини яхшилаши баробарида уларнинг руҳиятида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлиши шубҳасиз.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**  
«Ishonch» муҳбири



## Фармон моҳияти

# Ҳуқуқ ва эркинлик кафолати

Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Мазкур фармонга биноан эндиликда суд ва тергов органлари олдига ишларни тергов қилиш ва судда қўришда чинакам шаффофлик ва қонунийликка риоя этилишини

таъминлаш талаби қўйилди. Айниқса, бундан буён процессуал қонунийликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан олинган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далиллар сифатида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишлари судда мазмунан қўриб чиқиш жараёнида мажбурий равишда текшириш ҳамда уларга ҳуқуқий баҳо бериш каби процессуал ҳаракатларни амалга ошириш мажбурийдир. Суд муҳокамаси жараёнида стенография юритилиши, унинг материаллари жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши зарур.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз,

инсон ҳуқуқлари бузилиши, шаъни ва кадр-қиммати поймол этилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган механизмлардир.

Фармоннинг 5-бандига мувофиқ, сирдан камоққа олиш тартибидан қўриқиб қўрилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичда унинг мазкур эхтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимоячи билан таъминланмаслиги, ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқларининг хар қандай тарзда чегараланиши процессуал қонунийликни жид-

дий бузиш ҳисобланади. Ҳимояга бўлган ҳуқуқни бузиш жараёнида олинган далиллар эса мақбул бўлмаган далиллар деб топилди, улар ҳукм чиқаришга асос бўла олмади.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу фармон моҳият-эътибори билан суд-ҳуқуқ соҳасидаги изчил ва тизимли янгиланишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлиб, инсон, унинг ҳаёти, озолиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг давлат томонидан тўлиқ ҳимоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

**Ғолиб ЭРҒАШЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Ангрэн шаҳар  
судининг раиси

## Тараққиёт тамойиллари

# ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА: солиқ соҳасида имтиёз ва имкониятлар

Айни кунда мамлакатимизда иқтисодий ривожлантириш, макро-иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, соҳада тарихий ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги «Урғут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони вилоятларда иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, мазкур фармоннинг амалиётга татбиқ этилиши озик-овқат, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик ва автомобилсозлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилаётган ҳазорасп-лик тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Ҳазорасп туманидаги Питнак шаҳрида ташкил этилган «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг ер майдони 414 гектарга тенг. Бу

ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва халқро даражада маркировка қилиш, экспортга йўналтириш бўйича «Хоразм сано» ва сертификатлаштириш маркази» ДК илмий ишлаб чиқариш маркази ўз фаолиятини бошлади. Зона ҳудудида 87,5 млн. долларга тенг жами 35 та лойиҳа амалга ошириш белгилаб олинган бўлиб, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида кир ювиш машиналари, бир марталик медицина қўлқоплари, чангюткич, «Дамас» ва «Лаб»

автомашиналари учун эхтиёт қисмлари каби экспортб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва юқори қўшилган қийматли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, 6,2 млн. доллар хоржий инвестициялар жалб қилиниши ҳамда 1708 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш ўринлики, бу ерда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловлари ва боғхона соҳасида турли имтиёз ва қулайликлар яратилган бўлиб, улар фаолияти даврида солиқлар ва давлат мақсадида жағғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси фаолиятида солиқ соҳасига оид масалаларни тезкор ҳал қилиш юзасидан тегишли чоралар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ имтиёзларидан фойдаланишда, уларни расмийлаштиришда сансолиқликка йўл қўймаслик, зона ҳудудида фаолиятини

## КУН НАФАСИ

41 «OGU-Oil&Gas Uzbekistan 2018» халқаро анжумани давомида «Ўзбекнефтегаз» АЖ ва Озарбойжоннинг «SOCAR» ҳамда «BP Exploration» (Caspian Sea) компанияси ўртасида Ўзбекистон ҳудудидаги конларда биргаликда геологик-кидирув ишларини олиб бориш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Эндиликда миқозлар тижорат банклари миқозларга бевосита хизмат кўрсатиш ҳудудига шахси тасдиқловчи ҳужжатларсиз киришлари мумкин.

Сурхондарё вилояти ҳокими Эркин Турдимов бошчилигидаги делегация Австриядан катор йirik саноат корхоналари раҳбарлари билан учрашиб, 50 миллион долларга тенг ўзаро манфаатли келишувларни имзолашга муваффақ бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари Шухрат Турдиқулов раислигидаги фуқаролар қабули давомида спортнинг «Турон яққа кураши» тури бўйича халқаро турнирлар ғолиби Нарғиз Ваҳобхўжаева, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов ва бошқа спортчилар Тошкент шаҳрида масжид қуриш истаги борлигини маълум қилишди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги автобуларда янги тўлов тури йўлга қўйилди. Ҳозирча 70 та автобусада синов тарихида йўлқира махсус пластик карта орқали тўланмоқда.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва «Камалак» болалар ташкилоти сардорларининг 19 — 24 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» соғломлаштириш оромоҳида бўлиб ўтаётган анжумани доирасида илк маротаба Ўзбекистон болаларининг пароди ташкил этилади.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар делегацияларидан 800 нафар сардор ва кашкадарлик 5 минг нафардан ортик ўқувчи-ёшлар иштирок этади.

2018 йил 1 май ҳолатига кўра, Ўзбекистонда воёга етмаганлар орасида 153 нафар ўз жонига қасд қилиш ҳолати кайд этилган.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35,9 фоизга ва жиноят содир этган воёга етмаганлар сонининг 37,9 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, 2018 йил 1 май ҳолатига кўра воёга етмаганлар ўртасидаги суицид ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 тага камайди.

**Интернет нашрлари ҳамда ўз муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

бошлаган тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловларида яратилган интерактив хизматлардан оқилона фойдаланиш учун амалий семинарлар ва очик мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Куни кеча «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси саналган «PITNAK PANEL» МЧЖ қўшма корхонасида ташкил этилган давра сўхбатига ҳам вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассислари иштирок этиб, мазкур қўшма корхонанинг фаолияти давомида солиқ тўловлари билан боғлиқ масалаларга оид саволларга жавоб олинди.

Эндиликда эркин иқтисодий зонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, қадоклаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озик-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари каби катор йўналишларда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади. Ушбу ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш пировардига аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади.

**Дилрабо ҚУРЁЗОВА,**  
Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси масъул ходими

«Йиллар давомида йиққан-терганингга мулк сотиб олсанг-у, қўтилмаганда ундан мосуво бўлсанг, боз устига ғурбатдан бошинг чиқмай қолса, кишига қаттиқ алам қиларкан», — дейди Балиқчи туманида яшовчи Ҳамидилло Абдуллаев.

Эшик-ром ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилиб юрган кунларининг бирида Ҳамидилло «Чинобод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биноси сотилаётганидан хабар топди. Суриштириб билсаки, суд ижрочилари қорхонага тегишли мол-мулкларни кимошди» савдосига қўйишгани рост экан.

Тадбиркор бисотидаги сармоясини чамалади ва гаров пулини тўлаб, талабгорлар сафига қўшилди. 2016 йил 8 январь куни ўтказилган «кимошди» савдосида иштирок этиб, ғолиб чиқди. 294,44 квадрат метрдан иборат қўш қаватли бино тадбиркорга 166 миллион сўмга тушди.

Аммо кунларнинг бирида қорхона маъмуриятидан «Бино бизники, бўшатиб бермаймиз!» деган жавоб олиб, Ҳамидилло мулк эмас, ўз бошига катта ғавғони сотиб олганини хис этди. Кун ортидан кун ўтса-да, мурося йўлидан дарак йўқ — маъмуриятнинг ҳамон шашти баланд. Мавжуд ҳужжатларга суянган ҳолда адолат ис-таб вилоят ҳўжалик судига боришдан ўзга чора қолмади. Суд даъвои ўрганиб, мулкка эгаллик ҳуқуқи яққа тартибдаги тадбиркор эмас, фуқаро номига расмийлаштирилган, шу сабабли бу ма-сала бизга тегишли эмас, деган тўхтамга келди.

Тадбиркор энди фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судининг эшигини коқди. Суд жавобгарни бинодан мажбурий тартибда қўчириш ҳақидаги даъвои қаноатлан-тирувчи хал қилув қарорини қабул қилди. Шундан сўнг тадбиркор енг шимариб, бинони таъмир-лашга киришди. Орадан кўп ўтмади — қорхона раҳбарияти «этиб қолгунча отиб қол» қабилда юқоридagi хал қилув қарорига нисбатан қасса-ция шикоятни билан ФИБ вилоят судига му-рожаат қилди. Суд Ҳ. Абдуллаев ўз мулкдан фой-даланишга ҳақли, унинг мулк ҳуқуқи бекор бўл-маган, шу боис биринчи инстанция суди тўғри тўхтамга келган, дея ҳулоса берди.

Мана бу бошқа гап, демек, иш битди хи-соб. Тадбиркор белини боғлаб, астойдил ишласа бўлади. Аммо чучварани хом санаган экан. Қор-хона маъмуриятининг навбатдаги даввосига

**ТАДБИРКОР БИСОТИДАГИ САР-МОЯСИНИ ЧАМАЛАДИ ВА ГАРОВ ПУЛИНИ ТЎЛАБ, ТАЛАБГОРЛАР САФИГА ҚЎШИЛДИ. 2016 ЙИЛ 8 ЯНВАРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН «КИМОШДИ» САВДОСИДА ИШТИ-РОК ЭТИБ, ҒОЛИБ ЧИҚДИ. 294,44 КВАДРАТ МЕТРДАН ИБОРАТ ҚЎШ КАВАТЛИ БИНО ТАДБИРКОРГА 166 МИЛЛИОН СЎМГА ТУШДИ.**

лоят ҳўжалик судига ариза билан муурожаат этган. Суд (2015 йил 27 февраль) мулкларни хат-ловдан озод қилиш юзасидан келтирган ва-жларни асоссиз дея баҳолаб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш хусусида ажрим чиқарган. Шу тарихи маъмурий бино савдо таш-килотчиси — «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ томонидан 2015 йил 27 ноябрь куни таш-кил этилган очик аукционда бошқа бир фуқа-рога сотилган. Бироқ ғолиб белгиланган муд-датда тўловни амалга оширмагач, савдо бекор қилинган ҳамда такрорий аукционга қўйилган. Бу ҳақда 2015 йил 23 декабрь куни вилоят газе-тасида эълон берилган. 2016 йил 8 январь кунги такрорий савдода мақоламиз бошида номини зикр этганимиз Ҳамидилло Абдуллаев мулкни 166 миллион сўмга сотиб олган...

Хуллас, мазкур масала вилоят иктисодий су-дининг апелляция инстанциясида ҳам қўрилиб, Асака туманлараро иктисодий суди қарори ўз кучида қолдирилди.

# ҲОЗИРЧА ҲИСОБ — 2:3

## Бу ўйинда финал ҳуштаги қачон чалинади?


Икки йилдан буён давом этаётган можаро Ҳамидилло Абдуллаевни руҳан чарчатди. Фуқа-ролик суди «мулк сеники», деб турибди. Асака туманлараро иктисодий суди, сўнгга вилоят иктисодий судининг апелляция инстанцияси эса «кимошди» савдоси ноқонуний ўтганини таъкидлапти. Олий суд раисининг Андижон-даги сайёр қабулида бўлган Ҳамидилло Абду-ллаев Асака туманлараро иктисодий суди ҳамда вилоят иктисодий судининг қарорларидан но-ризо эканлиги ва назорат тартибидан протест кел-тириш тўғрисида ариза билан муурожаат қилди.

Х. Абдуллаев жорий йилнинг 1 февралда Олий суддан жавоб хати олди. Олий суд раиси ўринбосари Б. Исаков томонидан имзоланган хатда «... Сизга аризангиз қаноатлантирилмасдан қолдирилганини маълум қиламиз» дейилди. Тадбиркорнинг эса жавоб хатига нисбатан қатор эътирозлари бор. Мисол учун, масаланинг асосий мағзини очиб берувчи хатнинг 12-хатбошида

айтилаётган фикрни тушуниш қийин. Жумлалар узилиб қолган.

Жавобда Суд ижрочилар бошқармаси ва савдо ташкилотчиси ўртасида шартнома тузилганини тасдиқловчи далиллар судга тақдим этилмаганлиги таъкидланади. Ваҳоланки, мулк-ни савдога қўйиш жараёни суд департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда савдо ташкилотчиси ўртасида 2014 йил 19 май куни тузилган 3-сонли шартнома асосида амалга оширилгани кундек равшан-ку!

Шунингдек, аукцион ўтказилиши тўғриси-даги хабарнома иккита — республика ва вилоят миқёсидаги оммавий ахборот воситаларида аук-цион ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин (!) берилиши ҳақидаги қонун ҳужжатлари талаб-ларига амал қилинмагани ва жавоб қўрсатилди. Аслида-чи?



Адлия вазирлиги қошидаги Суд қарор-ларини ижро этиш, судлар фаолиятини мод-дий-техника жиҳатидан ва молиявий таъмин-лаш департаменти директорининг 2006 йил 26 сентябрдаги фармойишида «савдога чиқари-лаётган автомобилотранспорт воситалари ва кўч-мас мулкнинг бошланғич баҳоси энг кам ой-лик иш ҳақининг 2000 бараваригача бўлган миқдорда, 1-иловада қўрсатилган маҳаллий газеталарда ҳамда телевидениеда эълон қили-ниш» заруриги қайд этилган. Иловага «Анди-жоннома» газетаси ҳам киритилган. Шу боис низоли бинонинг аукционга қўйилиши билан боғлиқ эълон «Андижоннома»да чоп этилган.

Колаверса, Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 2006 йил 31 августдаги қарори би-лан тасдиқланган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомобилотранспорт воситалари ва кўчмас мулк-ни сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 17-бандида ОАВда такрорий аукцион ўтка-зиш тўғрисидаги хабарнома уни ўтказишдан камида 15 кун (!) олдин берилиши лозимлиги эъиб қўйилганку!..

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, судьялар-нинг фуқаро томонидан берилаётган ари-зага қандай муносабатда бўлиши қўрилай-ган масаланинг қай йўсинида ечим топишни кўп жиҳатдан белгилаб беради. Жумладан, мулк можароси бошлангач, Ҳамидилло Аб-дуллаев дастлаб даъво аризаси билан собик вилоят ҳўжалик судига муурожаат этганини юқорида айтиб ўтган эдик. 2016 йил 11 ав-густ куни ишни қўрган судья О. Қўлдошов низо ҳўжалик судига тааллуқли эмас, деган ҳулосага келган ҳамда иш юритишни туга-

тиш юзасидан ажрим чиқарган. Ажримга ҳу-лоса беришда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Х. Раҳмонов иштирок этган.

Суд тизимида амалга оширилаёт-ган ислохотлар до-ирасида ҳўжалик судларининг вази-фалари янги тизим — иктисодий су-дларга ўтди. Ҳами-дилло Абдуллаев-нинг иши учта суд қўригидан чиққач, гир айланиб вилоят иктисодий судида қўриладиган бўлди. 2017 йил 7 сентябр-даги апелляция ин-станциясида у яна айнан судья О. Қўл-дошовнинг қўлига келиб тушди. О. Қўлдошов жараёнда энди маърузачи судья сифатида ҳозир бўлди. Ва... аввал тадбиркорга ишингиз ҳўжалик судига тааллуқли эмас, деб жавоб берган судья бу сафар хайъат таркибида унинг зиёнига ҳулоса берди.

Энг қизиги, Ҳамидилло Абдуллаевнинг даъво аризалари бир қатор босқичларда қўри-гани ҳолда, ҳеч ким у томонидан тўланган 166 миллион сўмининг тақдирини ҳақида сўз оч-мади. Асака туманлараро иктисодий суди, буни маққуллаган вилоят иктисодий суди айни шу масалага ойдинлик киритиб кетиши лозим

### ТАҲРИРИЯТДАН:

Мақолани саҳифага тайёрлаш жараёнида Олий суднинг мазкур масала юзасидан иш олиб борган мутахассислари билан боғландик. Олий суд раиси ўринбосари Б. Исаковнинг тадбиркор Х. Абдуллаевга эънатган жавоб хатининг иш юритишда сақланувчи асл нусхаси билан тапшириш ниятимиз ҳам йўқ эмасди. Аммо бунақа эриша олмадик. Ташкилот мутахассислари жерий йил 1 апрелдан бошлаб янги «Иктисодий процессуал кодекс» амалга киритилгани, унга қўра тадбиркорнинг «Чинобод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти билан ўрталаридаги низоли масала қайта қўриб чиқилиши мумкинлигини билдиришди. Бунинг учун Х. Абдуллаев Олий судга қайта муурожаат қилиши лозим.

Билмадик, бу каби чалқаш, суддан судга, инстанциядан инстанцияга оширилиб, 10 йиллар мобайнида ечим топмаётган масалалар қанча экан? Баъзан атепация, қассация, назорат тартибиди, Олий судда қайта-қайта қўриган масалалар билан боғлиқ ҳужжатлар шу даражада чалқашиб кетадики, оддий фуқарони қўйинг, унча-мунча ҳуқуқини ҳам қалаванинг учини йўқотиши турган гап. Бир нарсани асло унутмаслигимиз керак: ҳеч ким бекорчиликдан у ёки бу идорага бош уриб келмайди. Ишонганидан, адолатли қарорга умид болаганидан, ўзини қийнаётган, ён-атрофдагиларни бесаранжом қилаётган беҳуда югур-югурларга чек қўйиш, енгил нафас олиш мақсадида қимматли вақтини сарфлаб бўлса ҳам шу юмушга қўл уради.

Энг муҳими, муайян масаланинг адолатли қарор топиши таърифлаб бўлмас даражада тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини эсдан чиқармаслигимиз даркор. Ишонч бор жойда ўсиш-ўзгариш бўлади, бурч ва масъулиятни ҳис қилиш чандон ва чандон ортади.

Ўйлаيمизки, янги кодекс бу каби сарсонгарчиликларга нўқта қўйиб, кўнчилиқ фуқаро, қорхона-ташкilotлар, жумладан, судьяларнинг ишини ҳам енгиллаштириши, адолатли қарор топтиришининг осонроқ йўллари қўлланишига хизмат қилади.

эмасмиди? Олий суддан олинган жавобда эса тўланган пулни қайтариб олиш учун яна судга ариза бериш тавсия этилган.

Масаланинг бошқа бир оғрикли жиҳати бор: ФИБ Избоскан туманлараро судининг Ҳ. Абду-ллаевнинг даъвосини қаноатлантириб қабул қил-ган хал қилув қарори, ФИБ вилоят судининг маз-кур қарорни ўзгартириш қолдириш хусусидаги ажрими ҳамон бекор қилинмаган — АМАЛДА! Бироқ тадбиркор ҳамон аросатда. Бу ўринда тад-биркор, суд ижрочилари қайси қарорга амал қи-лиши керак?

Ҳозирги вазиятда тадбиркорни, қонун тили билан айтганда, «инсофли эгалловчи» дейилса, асло хато бўлмайди. Чунки у иншоотни ноқо-нуний йўл билан эмас, очик-ошқора, аукцион савдосида ғолиб бўлгач, харид қилмоқда. Мулк ҳуқуқи ҳимояси эса наинки қонунда, Конститу-цияда ҳам қаноатланган. Бундан ташқари, суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган мол-мулк қайтариб оли-нишига йўл қўйилмайди (Фуқаролик кодекси, 229-модда).

Пул-кредит сиёсати боис эркин конвертацияга имкон берилиши натижасида инфляция даражаси кўтарилди. Халқона айт-ганда, тадбиркорнинг пешона тери билан топ-ган пули бу пайтга келиб тенгма-тенгга ар-зонлашди. Агар ўшанда бинони сотиб олишга сарфлаган сармоясини банкка омонат сифа-тида қўйганида, бунчалар чув тушиб ўтирмас-лиги аниқ эди. Шундай эмасми? Унга алам қи-ладиган яна бир ҳолат: тадбиркордан, мана, учинчи йилдирки, мулк солиги ундирил-моқда. Унинг ўзи эса бошқа жойда, ижара-даги бинода ишляпти.

Ҳамидилло сотиб олинган бинони устало-нага айлантириш ҳаракатига киришганини юқо-рида айтиб ўтган эдик. Бунинг учун бинони таъ-мирлаш, эшик-ром ишлаб

чиқаришга мослашти-ришга анчагина сарф-хара-жат ҳам қилган. Аммо шу сабаб «Чинобод пахта то-залаш» акциядорлик жами-яти 25 миллион 368 миң сўм миқдорда зарар қўр-ган эмиш. Бу маблағларни тадбиркордан ундириб олишга уринишлар ҳам бошлаб юборилган. «Дард устига чипқон» деганлари шумикан?

«Чинобод пахта тоза-лаш» акциядорлик жами-ятининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қардор экани маълум. Қардорликни бартараф этиш учун суд ижрочи-лари қорхона мол-мулк-ни хатлагани, шу асосда аукционга қўйгани ҳам аён. Ҳамидилло Абдуллаев «кимошди» сав-досида катнашиб, ғолиб бўлганини ҳам ҳеч ким инкор этолмайди. Нега энди бу ишга бош қўш-ган ташкилотчилар «оппоғ-у», тадбиркор эса «қора»?..

**Нурилло НЎЪМОНОВ**  
«Ishonch»



### Ҳикмат

Эзгулик ва иллатларни ўлчовчи умумий мезон фақат давлатда мавжуд бўлади. Ҳар бир давлатнинг қонунлари ана шу мезон вазифасини ўтайди.

Томас ГОББС

### Анжуман

Эзгу ва хайрли ишлар инсон ҳаётининг беэагидир. Зотан, до-нишмандлар айтиганидек, дунёни меҳр-оқибат, яхшилик қўтқа-ради. Ёлғиз, эҳтиёжманд, ногирон кишиларга холис ёрдам қўрсатиш Қизил Хоч Халқаро Қўмитаси фаолиятининг асосий тамойилларидан биридир. Мазкур халқаро нодавлат жамияти ташкил топганига 155 йил тўлди.

## Эзгулик йўлида

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Марказий Осиёда биринчи бўлиб ҚХХҚнинг фахрий аъзоллигига қабул қилинган. Мустақил ва қўнғилли жамоат бир-лашмаси бўлган ушбу тизимда 15 та минтақавий, 192 та шаҳар ва туман

бўлимлари, 2970 та бошланғич таш-килотда бир ярим миллион нафардан кўпроқ аъзолар ҳамда 38 миң нафар-дан зиёд қўнғиллилар меҳнат қил-моқда. Жамият томонидан шу кунга қадар ўзгалар парварлишига мухтож, яқса-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам

таъминланган ва кўп болали оила-ларга тиббий ёрдам қўрсатиш, қўтил-маган табиий офатлар, бахтсиз холи-салар рўй берганда химожланши ҳа-ракатларини фуқароларга ўргатиш, ижтимоий муаммоларни хал қилишда давлат идораларига қўмақлаштириш каби кўплаб эзгу ишлар амалга ошириб ке-линмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қи-лиш, турли касалликларнинг олдини олиш, биринчи тиббий ёрдам қўрса-тиш тартибларини ўргатиш, қўнғилли кон донорлигини тарғиб қилиш каби ишларга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўз мухбиримиз

### Реклама ва эълонлар

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ 2018 йил март ва апрель ойлариди ўтказилган очик аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!

1. Тошкент тумани, Келес шаҳри, «Абдурахмонов мева узум» агрофирмаси ҳудуди «ELYOR ISLON AGRO» ф/х дан захирага олинган жами 3,36 га, шундан 2,20 га ер майдонида жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 7 593 721 сўм. Сотилиш баҳоси — 9 880 000 сўм.
2. Тошкент тумани, Қўқсарой кишлоғи, Тошкент массиви ҳудуди «XASANJON IMKON NUR» ф/х дан захирага олинган жами 1,30 га ер майдони, шундан 1,10 га «Богзор», бошланғич баҳоси — 7 382

- 814 сўм. Сотилиш баҳоси — 9 620 000 сўм.
3. Тошкент вилоти, Тошкент тумани, Чоштепа кишлоғи, «Турғубой Сохибқор» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган «AZIM JANNAT MIRISHKOR» ф/х дан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 4,95 га ер майдони, шундан 2,29 га «Ўзумзор», бошланғич баҳоси — 11 470 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 14 950 000 сўм.
4. Тошкент тумани, Гулистон кишлоғи, «Ғиштқўприк агро» агрофирмаси ҳудуди «BOXODIR MIRISHKOR NUR» ф/х дан захирага олинган жами 2,80 га ер майдони, шундан 2,43 га «Богзор», бошланғич баҳоси — 9 112 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 11 830 000 сўм.
5. Қибрай тумани, «Дурмон» ҚФЙ ҳудуди «DO'RMON-AHMEDOV RAVSHAN BOG'I» ф/х балансидаги жами 6,83 га, шундан 3,0 га ер майдонида жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 39 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган RR – №0008.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилоты бирлашмаси Кенгаши жа-моаси Бирлашма Кенга-шида кўп йиллар даво-мида хизмат қилган Бахтиёр ҲАМИДОВнинг вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзо-лари ва ақднларига чуқур ҳамдардик билдилади.

Тошкент шаҳар Яшно-бод (Хамза) тумани, Сул-тон Санжар кўчаси, 59-уй учун берилган Умиров Ра-химжон Раҳманқулловичга тегишли кадастр ҳужжат-лари йўқолгани сабабли бе-кор қилинади.

Халқаро кўргазма

Пойтахтимиздаги «Ёшлар» ижодиёти саройида «Хунарманд» уюшмаси томонидан «Олтин қўл хунарманд» халқаро кўргазмаси ўтказилди. Унда маҳаллий ва хорижий хунармандлар, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Олтин қўл хунарманд


Кўргазма Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги



Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатини намойиш этиш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотишлариغا қўмақлашни мақсадда ташкил этилди.

Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичида халқ амалий санъати, хунармандчилигининг энг қадимий турлари, анъаналари, ўзига хос услублари ва мактаблари сақланиб қолган мамлакат сифатида алоҳида ўринга эга. Юртимизда хунармандларнинг эркин фаолият юритиши учун кўплаб имтиёзлар берилган. Жумладан, «Хунарманд» уюшмаси аъзолари солиқлардан озод этилди. 3015 та манзилли дастурлар асосида уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланди. Фармон қабул қилингандан сўнг ўтган беш ой давомида уюшма аъзолари сонини 120 фозга ўсиб, 22 050 нафарга етди. 4520 нафар хунармандга 126 млрд. 595 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Уюшма томонидан хунармандчилик маҳсулотларини четга экспорт қилиш ва хунармандлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадда жорий йилда дунёнинг 20 дан ортик давлатларида 113 та кўргазма ва ярмаркалар ўтказилиши режалаштирилди.

«Олтин қўл хунарманд» халқаро кўргазмаси доирасида хунарманд-



лар ва амалий санъат усталарининг маҳсулотлари кўргазмаси, соҳа мутахассислари томонидан хунармандчилик ва амалий санъатнинг барча йўналишлари бўйича маҳорат сабоқлари намойиш этилди.

— Ёшларни миллий анъаналарига сadoқат руҳида тарбиялаш, жаҳон халқлари маданиятлари билан танишувларига қўмақлашни, мамлакатимизда туризмини ривожлантириш, хунармандларнинг халқаро тажриба алмашувирига ёрдамлаштириш мақсадда ташкил этилган ушбу кўргазма кўпчиликда ёрқин таассурот қолдирмоқда, — дейди андшонлик кулол Мирзабахром Абдуваҳабов. — Биз ҳам ўз маҳсулотларимиз билан катнашяпмиз. Уларга қизиқиш катта бўлаётгани кишини хурсанд қилади.

Зулфия ХОЛМУХАММЕДОВА, «Ishonch» мухбири

Реклама

«Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосида қуйидаги мол-мулклар ва автомобилларнинг воситалари сотувга қўйилмоқда:

- 1. «Ўзбектелеком» ТТТ филиали еттичи болғамаси томонидан савдога чиқарилган: 1. 1987 йилда и/ч, «УАЗ-3741» русумли, 75/ 921 DAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 13 300 000 сўм. 2. 1983 йилда и/ч, «ДТ-75» русумли, давлат белгиси йўқ, носоз трактор. Бошлангич баҳоси: 10 286 216 сўм. II. «Ўзбектелеком» АК Сурахондарё филиали томонидан савдога чиқарилган: 3. 2000 йилда и/ч, «Газ-3102» русумли, 19 А1 008 давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 1 159 250 сўм. 4. 1994 йилда и/ч, «Лабо» русумли, 19 А1 727 давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 1 240 327 сўм. III. Жарқўрган нефт АЖ томонидан савдога чиқарилган: 5. 1984 йилда и/ч, «ГАСНГГаз-602» русумли, 75/ 991 EAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 14 550 022 сўм. 6. 1988 йилда и/ч, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, 75/ 990 EAA давлат белгиси, носоз (автокран) автомашина. Бошлангич баҳоси: 23 243 220 сўм. 7. 1974 йилда и/ч, «ГАСНГЗИЛММЗ 555» русумли, 75/ 043 GAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 21 206 610 сўм. 8. 1990 йилда и/ч, «ГАСНГУАЗ-3303» русумли, 75/ 028 GAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 12 085 008 сўм. 9. 1987 йилда и/ч, «ГАСНГЗИЛММЗ-4505» русумли, 75/ 027 GAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 22 057 693 сўм. 10. 1981 йилда и/ч, «ГАСНГЗИЛ-130» русумли, 75/ 036 GAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 20 379 600 сўм. 11. Қумқўрган туманидаги «А.Қорабоев» дехон хўжалиги томонидан савдога чиқарилган, 1987 йилда и/ч, «Зил-441610» русумли, 19 А1 903 давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 400 000 сўм. 12. Термиз шаҳри, «Саримас» х/к томонидан савдога чиқарилган, 1986 йилда и/ч, «Зил-130В-1» русумли, 37-19 СДЛ давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 300 000 сўм. 13. Термиз шаҳри, «Сурахондарё университет мол-мулк савдо» томонидан савдога чиқарилган, 1981 йилда и/ч, «Ваз-2106» русумли, 75/ 131 QAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 400 000 сўм. 14. Сурахондарё вилояти Гўза урчиқчи бирашмаси томонидан савдога чиқарилган, 2006 йилда и/ч, «Матро Д.Х.ДО» русумли, 75/ 105 GAA давлат белгиси, носоз автомашина. Бошлангич баҳоси: 5 343 000 сўм.

Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3445-йўл манзилда 2018 йилнинг 19, 20 июнь кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабдорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан завадат шартномасини расмийлаштириб, ХПТИ «Хамкор» бошқаларига х/р: 2020800400868025001, МФО: 01001, ИИН: 305471954 га соғлаётган мол-мулк бошлангич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдорда завадат пули тўлаган ҳолда арзоб бериб рўйхатдан ўтқишлари шарт. Арзобларни қабул қилиш савдо бошлангичдан бир кун олдин тўғрисида. Мақур мол-мулклар ва автомобилларнинг воситалари ушбу савдога соғлаётган талабдорнинг савдолар 6 июль кунини соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Муражат учун манзил: Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3445-йўл. Тел.: (0376) 224-36-76. Хизматлар лицензияланган.

ЎРФ-ОДАТ ВА ЗАМОН

Ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари жуда кўп. Урф-одатлар эса маданиятнинг бир қисми ҳисобланади. Одатда юксак маданиятлик халқ деганда замон ўзгариши билан эски, ўз вазифасини ўтаган ва янги даврга мос келмайдиган урф-одатларни тарк этиб, бошқалар ҳавас қиладиган расм-русумларни жорий қилган халқ тушунилади. Масалан, ўрта асрларда давлат арбоблари, йирик ер эгалари ва руҳонийлар вафот этса, ҳафта-ун кун, баъзан қирк кун ва ундан ортиқроқ муддатда туя, бука, қўйлар сўйилиб, етим-есир, мусофир ва гадоларга овқат тарқатилган. Бундай эҳсон ўз вақтида ўзини оқлар эди. Чунки аҳолининг деярли аксарият қисми иш-си, тинимсиз ўзаро урушлар ҳукм сураб, тож-у-тахт эгаллаш ниятида ота билан бола, мерос талашган шахзодалар низо-жанжаллари натижа-

нинг саҳни шунчалик улканки, бир бошидан иккинчи боши кўринмайди. Етти ёшдан-етмиш ёшгача бўлган кишилар худди умумхалқ сайлига келгандай бу ерга ошиқинган. Эндигина мактаб ёшига етган-етмаган ўғил-қизлар қўлида бир даста пул, бир халта-бир халта китоб сотиб олиб, зўрга орқалаб кетётган ҳолатини кўплаб кўриш мумкин. Бу ерда китоб ўқишга кизиккиш фавқулодда зўр экан. Ҳавас қилса арзиғулик. Бундай тақлидлар оқибати уруш-жанжал, оила бузилиши каби турли кўнгилхиралликларга олиб келади. «Кўрпанга қараб оёқ узат» деган доно нақлга амал қиладиганлар ниҳоятда оз. Бундай тақлид ёшларни боқимандалик, текинхўрлик, молпарастлик ва маънавий қашшоқликка ундаши билан янада ташвишланарли. Тўқликка шўхлик, тақлидчилик билан қайққа қараб кетамиз? Наҳот, қилаётган ишларимизни ақл тарозисига солиб, ўйлаб кўролмасак? Ҳамма учун маъқул бўлган, ҳамма кўриб ҳавас қиладиган урф-одатларини

ЎЗБЕК ЎЗГАРАДИМИ?

ёхуд эски одатлардан қачон қутиламиз?

сида тинчлик йўқ эди. Юрт вайрон, дехоннинг экин-текини пайҳон бўлган, унинг устига тинимсиз босқинчилик юришлари оқибатида лашкарнинг озик-овқати, қурол-яроғлари учун олинган солиқ олиб кетган, аҳолининг тинчаси қуриб қолган эди.

Булар энди бурунги гаплар, албатта.

ЎРФ-ОДАТ ҚУЛИ

Афсуски, эски одатлардан бирдангина қутилиш мушкул. Бунга жуда кўп мисол келтириш мумкин. Ҳозир ҳам киши вафот этганда дошқозонларда ош дамлаб, 300-500 нафар одам чақириб, эҳсон оши тарқатиш урфи амалда. Дастурхонлар эса ноз-неъмат кўпчилигидан дорсиллайди. Турфа мевалар, қанд-курс, ширмой нон ва ширинликларни кўрган киши «бу таъзиями ёки тўй?» дея ўйланиб қолиши аниқ.

Шу ўринда ҳақиқат савол тугилади: Хўш, шунча ноз-неъмат кимга аталган? Қўли қалта ва бена-беюргагами? Таассуфки, бунга ижобий жавоб бериш қийин. Чунки тўйхона атрофи қимматбаҳо машиналар билан тўлиб кетади. Бу ерга келган одамларнинг олифталарига қийинчилик олиганини эса айтаётган ўқиш орқасида. Уларнинг кўпчилиги гинжинганча, «Оббо, яна ошми? Одамни тинчгина дам олишга ҳам қўймайди» дея тонг сахарлаб ўйқудан туради. Баъзида шаҳарнинг нариги чеккасида бу четгача 30-40 км йўл босиб келишади. Бир дукма ош елдими-емайдими, камда 5-6 минг, кўпи 50-100 минг пул сарфлаб ошга келиб-кетади. Улар оқилдиган эмас, урф-одатларнинг қули бўлгани учун шундай қилишади.

Қолаверса, бу «шунча одамларга ош бердим», деб сохта обрў ортиришининг бир йўли, ҳолос. Бу қачонлардир ижтимоий-иқтисодий таълик шароитида юзага келган урф-одатнинг сарқити эканини ҳамма ҳам бирдек тушуниб етгани йўқ.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Шу ўринда бир воқеани баён этишни лозим топдик. Бир гуруҳ ўзбекистонлик олим ва зиёлилар билан Эронда ўтказилган китоб ярмаркасига бордик. Китоб кўргазмаси-

Ҳикмат

Агар бахтли яшашни истасангиз бахтни мақсадга боғланг, одамлар ёки нарсалар эмас. Альберт ЭЙНШТЕЙН



Саудия Арабистони Эрон, Афғонистон ва бошқа мусулмон давлатларининг кўпчилигида оилада кимдир вафот этса, унинг фотихасини уч кун маскнда ўтказишади. Юз-икки юз килолик ош дамлаб, одамларга тарқатиш уёқда турсин, хатто келганларга чой ҳам тақдир қилишмайди. Бу дунёдан ўтганларни эслаб ўтказиладиган барча маросимлар уйда, ўз яқинлари даврасида бўлиб ўтади. Биздаги исрофгарчиликлар, хў-жақўсинга «мен сендан камманми?» қабилдаги ким-ўзарга ош тарқатишлар бу мамлакатларда умуман йўқ.

БИЗДА...

Биздаги келин узатиш дабдаласи унча-мунча миллиардернинг ҳам хаёлига келмасе керак. Келин сарпоси, мебели, баъзи хонадонлардаги катта участкани қуриб қўйиб, келин томонга ҳамма жиҳозларини юклаши, телевизор, кин машина, хатто қувё болага янги машинагача олиб бериш... Бу рўйхатни яна давом эттирса бўлади. Ҳозир ёш келин-куёвлар аксарият ҳолларда бирор олий ўқув юртида ўқийди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Матбуот — эркин фикр минбари. Унда ҳар бир киши ўз гоёси, фикр-мулоҳазалари билан қатнашишига ҳақли. Шу маънода муаллифнинг шахсий фикрларига бошқалар қўшимчаслиги мумкин. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин матбуотнинг яна бир вазифаси ҳам борки, бу жамоатчилик фикрини шакллантиришидир. Кўпчиликка дахлдор бўлган масалаларга жамоатчилик этиборини қаратиши мақсадда ташкил этилган «Шахсий фикр» руқни барча учун очик.

Шахсий фикр

Уларнинг ўқиш харажатлари, кийим-кечаги, ейиши эса ота-онанинг зиммасига тушади. Ота-онаси буларни таъминлашга қодир бўлса-ку, олам гулистон. Агар акси бўлса-чи? Зеро, ҳамма оила ҳам иқтисодий жиҳатдан бақувват эмаску?!

Тўй ўтказиш борасида кўпчиликда тақлид хисси кучли. Кимдир дабдалаи тўй ўтказса, уни кўрган бошқалар ҳам қўлидан келса-келмасе унга тақлид қилади. Бундай тақлидлар оқибати уруш-жанжал, оила бузилиши каби турли кўнгилхиралликларга олиб келади. «Кўрпанга қараб оёқ узат» деган доно нақлга амал қиладиганлар ниҳоятда оз.

Бундай тақлид ёшларни боқимандалик, текинхўрлик, молпарастлик ва маънавий қашшоқликка ундаши билан янада ташвишланарли.

Тўқликка шўхлик, тақлидчилик билан қайққа қараб кетамиз? Наҳот, қилаётган ишларимизни ақл тарозисига солиб, ўйлаб кўролмасак? Ҳамма учун маъқул бўлган, ҳамма кўриб ҳавас қиладиган урф-одатларини

Рамазон — барака ойи

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: «Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз» («Бақара» сураси, 186-оят). «Рамазон ойи — унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоятю фуқрондан иборат очик-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин» («Бақара» сураси, 185-оят). Мазкур оят сўзларига эътибор қаратадиган бўлсак, Рамазон ойидаги кунлар чеғараланган. Бундан келиб чиқадикки, мана шу кунларда ҳар бир инсон яхши амалда бўлиши, қалбини поклаши ва қилган гуноҳлари учун тавба этиши зарур. Чунки ушбу муборак ойнинг кунлари саноқли, унинг ҳар бир кунига ёғдириладиган барака, яхшилик ва омонлик доимий эмас.

Рўза тутишнинг фазилатлари

Рўзани ўттиз кун қилиб белгиланишидаги ҳикмат шуки, айтишларича, Одам Ато жаннатда ўзларига ман қилинган дарахт мевасидан еб қўйгач, у емиш ўттиз кун қоринларида қолди. Сўнгра Аллоҳга тавба қилди. Шунда Аллоҳ унга ўттиз кеча-кундуз рўза тутишни буюрди. Чунки дунёнинг лаззати тўртгадир. Биринчиси ейиш. Иккинчиси ичиш. Учинчиси жимоъ. Тўртинчиси уйқу. Бу лаззатлар бандани Аллоҳдан тўсувчилди. Аллоҳ таоло Ҳазрати Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва у зотнинг умматларига фазл-карами билан фақат кундуз куни рўза тутишни фарз қилиб, кечқурунда еб-ичишга руҳсат берди.

Албатта, Рамазон ойи Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига берган улуг неъматларидандир.

Бу ой раҳматлар ёғиладиган, гуноҳ ва хатолар кечириладиган, ажр ва даражалар зиёласи билан ёғиладиган ва Аллоҳ бандаларини дўзахдан озод этадиган ойидир.

Рўза тутишнинг фойдали жиҳатлари ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумот олиш учун Тошкент шаҳри ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг етакчи мутахассиси, шифокор — диетолог Нодира Холмухаммедовага муурожаат қилдик.

— Муборак Рамазон ойида таомнома бошқа пайтларникидан мутлоқ фарқ қилиши керак ва имкон қадар оддий бўлмоғи лозим. Бугун турли илмий тадқиқотлар рўза бутун тананга шифобаҳо таъсир кўрсатишини тасдиқлапоти. Шу боис ҳам очлик билан даволаш бўйича жуда кўп китоблар ёзилапти, бу усул тиббиётда кенг қўлланилапти. Ҳозир очлик билан даволаш урф бўлди. Ҳатто Фарб мамлакатларида шу усулда хизмат кўрсатуви махсус шифохоналар бор. Одам вуқуди шундай хусусиятга эга: озиқ-овқат етказиш тўхтаган пайтда бутун куч-қувват организмни зарарли микроблар, хаста тўқилар, ўсма ва хиллардан тозалашга киришади.

Мочил билан даволанаётганларни қузатган олимлар уларнинг соғайиб, турли касалликлардан тамоман қутилиб кетганларига гувоҳ бўлишти. Тажрибалар рўза конда холестерин миқдорининг камайиши ва юракда кон лахтаси (тромб) тикилишининг олди олинишига сабаб бўлишини кўрсатди. АҚШда амалга оширилган тадқиқотлар эса рўза кондаги қанд моддаси ва метьда шираси кьслотасини ҳеч қандай дори воситаларисиз мезьёрда сақлаб туришини небот-ладди.

Шу ўринда айтиш жоизки, аслида рўзани мўмин-мусулмонлар касалликларга фойдали бўлгани учун эмас, балки Аллоҳ таоло буноргани учун, унинг розилиги учун тутуди! Зеро, рўза — руҳ озукасидир. Тана озукаси егулик ва ҳаракат, ақл озукаси илм бўлса, руҳ озукаси эса рўзадир. Соғлом руҳсиз тана мажруҳдир. Руҳ соғлом бўлсагина тана соғ бўлади. Соғлом тана эса соф ақл ва фикр мавжуддир. Буларнинг бари занжир каби бир-бирига боғлиқ экан, ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзига риоя қилиши лозим.

Зулфия ТОЙИР қизи тайёрлади.

МУАСССА: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Хусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63. Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43. Электрон нашр ва АКЛ — 256-87-73.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-йўл. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида териди ва саҳифаланди.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32. Андижон — (+998-91) 475-23-60. Бухоро — (+998-93) 653-50-81. Жиззах — (+998-91) 943-67-44. Наманган — (+998-90) 260-50-77. Навоий — (+998-93) 314-13-03. Самарқанд — (+998-97) 915-50-87. Сирдарё — (+998-90) 610-95-55. Сурахондарё — (+998-91) 233-69-07. Фарғона — (+998-90) 991-55-71. Хоразм — (+998-90) 719-48-00. Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01.

Навбатчи муҳаррир: Х. Норбоев. Навбатчи: Н. Махамов. Мусаҳҳиш: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов. Босишга топшириш вақти — 23:50. Топширишди — 00:10. 2 3 4 5 6. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюрога Г — 509. 31508 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133.